# Тошкент оқшоми

2015 йил 17 ноябрь, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (13.041)

Баҳоси эркин нархда


## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 2015 йил 17-18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташриф дастуридан икки мамлакат раҳбарларининг учрашув ва музокаралари ўрин олган. Уларда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Бугун Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.***

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Покистон билан алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиёнинг муҳим давлати сифатида қарагани ҳолда, мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

1991 йил 20 декабрда Покистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди, 1992 йил 10 майда эса давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Айнан мана шу икки муҳим сана замонавий Ўзбекистон — Покистон муносабатларида янги саҳифанинг очилиши ҳамда ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик тамойиллари асосидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди.

1992 йил июнь ойида Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф илк маротаба расмий ташриф билан Ўзбекистонда, ўша йилнинг август ойида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Покистонда бўлган эди. Шундан буён олий даражадаги мулоқот мунтазамлик хусусиятини касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойидаги Покистонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига катта туртки бергани баробарида, алоқаларимизни янги, янада юқори даражага кўтарди. Покистон Бош вазирининг 2011 йил март ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида икки томонлама шерикликнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақида атрофлича фикр алмашилди ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг изчил ривожланиши таъминланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ


Ёлкин Шамсиддинов олган сурат

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндорлари, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари, санъат ва маданият намояндалари, таниқли илм-фан арбоблари, кино ва мода йўналишида ижод қилаётган хорижий экспертлар иштирок этмоқда.***

**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

## МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

### Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида Ёшлар ҳафталиги бошланди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, онгу шуурида дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

"Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ўтказилаётган Ёшлар ҳафталиги бу борадаги йирик лойиҳалардан биридир. Илмий-ижодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий характерга эга бўлган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилмоқда.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган ҳафталикнинг очилиш маросимида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси директори А.Пардаев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар ушбу анжуман ёшлар ҳаётини мазмунан янада бойитиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ", деган фикри асосида навқирон авлоднинг ўқиб-изланиши, катта ҳаётга дадил кириб бориши учун барча имконият яратилмоқда. Бу ҳар бир ёшни улуғ орзулар сари илҳомлантирмоқда, мунтазам ўқиб-изланишга, янгиликлар яратишга, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга ундаётир.

– Ёшлик инсонга эзгу орзулар рўёбини, илм эгаллашга бўлган шижоатни, қувончларга тўла илиқ хотираларни, катта ҳаёт тажрибасини туҳфа этиши билан қадрли, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Мунис Мирпўлатова. – Бу даврда ёшлар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантириш, ўзаро тажриба алмашиш, илмий фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу биз каби ёшларни мамлакатимиз тараққиёти йўлида бирлаштиради, илмий-ижодий фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишга, фаолликка, ташаббускорликка руҳлантиради.

*(Давоми 2-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР БАНДЛИК ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

***16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади ҳамда демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгандир. Дастурни ишлаб чиқишда меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати чуқур таҳлил қилинди.

Ушбу дастурнинг концептуал хусусияти шундан иборатки, 2016 йилда барча туманлар ва шаҳарлар бўйича иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга буюртма шакллантирилган. Шу асосда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари, биринчи навбатда, коллежлар битирувчиларининг тегишли сонига мувофиқ миқёсда ишлаб чиқилган. Дастурда кичик саноат зоналарини ташкил этиш, иш ўринларини захиралаш йўли билан иш ўринлари яратиш йўналишлари кенгайтирилиб алоҳида ажратилган, шунингдек, аҳоли ва ёшларни, биринчи навбатда, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг янги усулларидан фойдаланиш, коллежларда тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш бўйича ўқув-амалий курсларни ташкил этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, дастурда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг, барча даражалардаги ҳокимликларнинг вазифалари аниқ тақсимланди, шунингдек, кичик бизнесга иш ўринлари яратишда муҳим ўрин ажратилди. Шу боисдан ҳам маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, тадбиркорлик субъектларининг вакиллари ушбу дастурни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдилар. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар Ҳукуматнинг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Унда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни мутахассисликлари бўйича, шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган эди.

*(Давоми 2-бетда)*

***Ўзбекистон тарихи давлат музейида бир ноёб экспонат бор. Бу ЮНЕСКОнинг "Тинчлик бизнинг қўлларимизда" номли мукофоти статуэткасидир. Дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун 2001 йилда Ўзбекистон Республикасига ушбу мукофот топширилган. ЮНЕСКОга аъзо 195 давлат орасида фақат Ўзбекистон мазкур юксак эътирофга сазовор бўлган.***

## ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО ташкил топганига 70 йил бўлди. Инсон онгида тинчлик ғояларини шакллантириш мақсадида тузилган ушбу ташкилот маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш орқали дунёда дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва ғоят самарали. Ушбу халқаро ташкилот қадимий обидаларимиз ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимиз тарихи ва маданиятини бутун дунёга намойиш этиш учун яхши имконият яратади. Мамлакатимиздаги меъморий ёдгорликлар, аждодларимизнинг улкан маънавий мероси, халқимизнинг ранг-баранг санъати ва урф-одатлари ЮНЕСКО учун бой ва мўътабар манбадир.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ваколатхонаси очилган. Ўтган йилларда ўзаро ҳамкорликда халқимиз меросини тиклаш, ўрганиш ва асраб-авайлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Урганчда жамоатчилик назоратини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти масаласига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Наманганда "Йилнинг энг яхши маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари" ва "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловларининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

**● Наманган вилоятининг Наманган туманида кўмир брикети ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Vodiy imkon savdo ishlab chiqarish" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

**● Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда Беруний маиший хизмат ва иқтисодиёт, Шуманай қишлоқ хўжалиги, Нукус мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда Кегейли қурилиш касб-ҳунар коллежлари жамоалари ўзаро баҳслашди.**

**● Фарғонада "Аёл ва маънавият" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Андижон давлат университетида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида тарбиялашнинг долзарб вазифалари" мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Ҳиндистоннинг Тамилнаду штатида кучли ёмғир билан содир бўлган сув тошқини натижасида ҳалок бўлганлар сони 71 кишига етди. Бенгал кўрфазидан бошланиб, Тамилнаду қирғоқларига қадар етиб келган табиий офат ўзи билан бирга кучли жала олиб келди. Мамлакатларнинг бир қанча штатларида сув тошқинлари содир бўлди.**

**● Австралиядаги Олтин соҳилда фанда Мовий аждар номи билан маълум бўлган ноёб денгиз жонзотини топиб олишди. Гувоҳлар сўзларига кўра, тўлқин қирғоққа ирғитган мавжудот гўё электр токи ишлаб чиқараётгандек, унга қўл теккизилса, ток уриши мумкиндек кўринган. Маълум бўлишича, "электр токи" Мовий аждар учун маскировка тизими ҳисобланади.**

**● Шри-Ланкада содир бўлган сув тошқини натижасида 80 минг нафарга яқин киши ўз уйини ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Одамлар мактаб ва черковларни бошпана қилмоқда. Армия иштирокидаги қутқарув гуруҳи ва Шри-Ланка ҳаво-денгиз кучлари ўзаро ҳамкорликда қутқарув ишларини олиб бормоқда.**

# ДЕПУТАТЛАР БАНДЛИК ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мазкур дастур лойиҳаси аввал Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш мамлакатимизда муҳим устуворлик бўлганлиги ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш янги иш ўринларини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга молик эканлиги боис дастурнинг асосий кўрсаткичлари парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат "Демократик кучлар блоки" йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияларининг йиғилишларида батафсил кўриб чиқилди. Депутатлар ўз сайловолди дастурларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор аниқ таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ва фуқароларни тегишли кафолатлар билан таъминлаш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига юклатилганлигини эътиборга олиб, парламент қуйи палатасининг мажлисида ушбу вазирлик раҳбари А.Абдуҳакимов маъруза билан сўзга чиқиб, депутатларни дастурнинг асосий кўрсаткичлари, унинг концептуал янгилиги ва келгуси йилда аҳоли бандлигини таъминлаш механизмларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди.

Мажлисда таъкидландики, дастур бандликнинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва пудрат қурилиши ишлари дастурларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклифларнинг мутаносиблигини таъминлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш бўйича вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Дастурга мувофиқ 2016 йилда 992,7 минг кишини ишга жойлаштириш назарда тутилган. Уларнинг 511,5 минг нафари таълим муассасалари битирувчиларидир. Шунингдек, хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

2016 йилга мўлжалланган дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилиш доирасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Муҳокама иштирокчиларининг фикрига кўра, дастур ноёб ҳужжат бўлиб, унда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари акс этган. Дастур сиёсий партиялар фракциялари, экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг фикрлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда ҳар йили такомиллаштириб борилмоқда.

– 2016 йилда дастурнинг бажарилиши доирасида меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, ишсизларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш давом эттирилади, – дейди **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Мавлуда Хўжаева**. – Шу муносабат билан фуқароларни мавжуд бўш турган, захира қилиб қўйиладиган ва янгитдан ташкил этиладиган иш ўринларига жойлаштириш, шунингдек, меҳнат қонунчилиги, мустақил ишга жойлашиш учун иш жойини танлаш бўйича текин маслаҳатлар бериш назарда тутилмоқда.

Меҳнат бозорини янада ривожлантиришнинг самарали омиллари сифатида турли шаклдаги бандликни, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода таъкидлаш жоизки, 2015 йил 15 майда қабул қилинган фармон ва унга мувофиқ айрим қонунларга шу йил август ойида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун амалий молиявий-иқтисодий механизмлар яратади.

– Жорий йил мобайнида депутатлар томонидан мазкур дастур ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди, шу жумладан, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги раҳбарларининг дастур кўрсаткичлари бажарилишининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилиб, уларнинг натижалари бўйича кейинги йилларга мўлжалланган дастурларни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди, – дейди **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Илҳом Аброров**. – Улар мазкур дастурни ишлаб чиқишда ҳисобга олинди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқладилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

# МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мода ва дизайн фестивалининг очилиш маросими Республика рассомлик коллежининг модалар либоси намойиши билан бошланди. Ушбу фестиваль ҳафталикнинг кўп қиррали лойиҳаларидан бири бўлиб, у турли санъат йўналишларини қамраб олади.

– Ушбу фестивалда иштирок этаётганимдан хурсандман, – дейди ЎзА мухбирига Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Малоҳат Мирсоатова. – Коллекциямдан ўзбек аёлларининг миллий либослари жой олган. Рангларнинг табиийлиги, нақшларнинг анъанавий руҳда тайёрлангани либосларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Ушбу фестиваль анъанавий модалар ҳафталикларидан тубдан фарқ қилиб, унинг доирасида нафақат "Мода лабораторияси" намойиши, "Мода: муаммо ва ечим" илмий-амалий анжумани, миллий либослар ва замонавий модельерлар дефилеси, ёш ҳунарманд ва рассомларнинг кўргазмалари, маҳорат дарслари ташкил этилади.

Ҳафталик доирасида кинематография соҳасида ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчиликка танитиш, ёш ижодкорларнинг профессионал малакасини ошириш, катта экранларда ўз ижодини намойиш этишига йўл очиб бериш мақсадида биринчи маротаба "PROlogue" – ёш киноижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари фестивали ташкил этилмоқда. Ушбу танловга юзга яқин ҳаваскор ва профессионал киноижодкор ўз ижод намуналарини тақдим этган.

Кинофестиваль давомида "Қисқа метражли фильм – ёш киноижодкорлар учун маҳорат мактаби" мавзусида давра суҳбати, махсус эффектлардан фойдаланиш ва 3D-технологияси асосида фильмлар суратга олиш бўйича хорижлик мутахассислар иштирокидаги мастер-класс ва тақдимотлар, ўзбек киносанъати музейида очиқ эшиклар куни, замонавий киноиндустрия кўргазмаси, ёш киночилар томонидан суратга олинган турли жанр ва мавзудаги энг сара қисқа метражли фильмлар намойишини ўтказиш белгиланган.

Талабалар театр студиялари фестивали юртимиздаги олий таълим муассасаларининг театр студиялари томонидан тақдим этилувчи ранг-баранг саҳна кўринишлари ва маҳорат сабоқларини ўз ичига олади. Фестивалда асосий эътибор талабаларнинг саҳнадаги маҳоратига қаратилиб, томошабинлар иш жараёнини бевосита томоша қилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур фестивалда Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг театр жамоалари миллий ва жаҳон адабиёти асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларни намойиш этади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ташкил этиладиган спектакллар намойишига ёш томошабинлар баҳо беради. Фестивалнинг энг сара асари Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилади.

Ҳафталик давомида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, талабалар ҳаётида учраб турадиган муаммолар, камчилик ва нуқсонларни юмористик ва сатирик жанрлар орқали кўрсатиб беришга қаратилган танловда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг "Илҳом", Нукус давлат педагогика институтининг "Турон", Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг "Оғалар", Тошкент автомобиль-йўллар институтининг "Осмондаги болалар", Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар" ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоалари баҳслашади.

Ҳафталик доирасида мамлакатимиздаги олтита (Фарғона давлат университетининг "Сарбон", Урганч давлат университетининг "Ал-Хоразмий ворислари", Самарқанд давлат университетининг "Истиқлол", Тошкент молия институтининг "Истиқлол фарзандлари", Тошкент давлат аграр университетининг "Агроислоҳотчи", Тошкент давлат юридик университетининг "Адолат" жамоалари) олий таълим муассасасининг иқтидорли талабалари ўртасида "Тафаккур синовлари" танловининг якуний босқичи ташкил этилади. Мазкур танловда жамоалар ўзлари таҳсил олаётган олий ўқув юртидаги шароитлар, илм ва ижод, малака бўйича изланишлар учун имкониятлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мутахассисликлари бўйича олган билимларини кўргазмали воситалар орқали намойиш этиб, ижтимоий-сиёсий билимларини синовдан ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилаётган "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олимлар ва талабаларнинг илмий-амалий конференциясидан мамлакатимизда фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, замонавий маданият, иқтисодиёт, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш, ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш каби эзгу мақсадлар кўзланган.

Ҳафталикнинг ёрқин лойиҳаларидан бири – Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган "Янги нигоҳ" видеороликлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросимидир. Мазкур танловга "Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик", "Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик", "Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик", "Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик" номинациялари бўйича 500 дан ортиқ ижодий иш келиб тушган. Танлов ғолиблари ҳафталик давомида интернет фойдаланувчилари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ёшликнинг ёрқин таассуротларини акс эттирган Ёшлар ҳафталиги санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт билан якунланади.

**Дилшод КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 42 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ташкил қилиб, улар кўп қиррали муносабатлар тараққиётини самарали тартибга солиш имконини бераяпти.

Ўзбекистон ҳамда Покистон савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштиришдан бирдек манфаатдордир. Мамлакатларимиз мазкур йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлашни кўзда тутувчи қатор ҳужжатлар, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро сармоялар, капитал маблағларни ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Юртимизнинг тобора юксалиб бораётган салоҳияти, ривожланаётган транспорт коммуникациялари ва халқаро логистика марказлари, изчил модернизация қилинаётган саноати ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 57 та корхона мавжуд бўлиб, улар тўқимачилик, қоғоз, чарм-теридан тайёрланган буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик хизматларини кўрсатиш сингари соҳаларда фаолият юритаётир.

Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1991 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган "Ўзбекистон — Покистон" жамияти ишбилармон, маданият ва илм-фан доиралари вакиллари ўртасида мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиш билан бирга, делегациялар алмашинувини ташкил қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳамда Покистонда урду ва ўзбек тилларини ўрганиш марказлари ишлаб турибди. 2003 йили Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан тузилган илк "Урдуча-ўзбекча луғат" Покистонда нашр этилди. 2009 йил мазкур олий ўқув юртида "Урду тили ва адабиёти хонаси" очилди.

Икки мамлакат илм-фан, маданият ҳамда санъат намояндалари илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар ҳамда бошқа тадбирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, покистонлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг анъанавий иштирокчилари ҳисобланади.

Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк ўзбек олим ҳамда мутафаккирларининг бебаҳо маданий меросини яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Ўзбекистонда эса машҳур покистонлик шоир ҳамда файласуф Муҳаммад Иқбол ижодини юксак қадрлайдилар.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Тошкентда бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**"Жаҳон" АА.**

***Ўзбекистон халқи юртимизда янги жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи, ҳаётимиз Бош қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 23 йиллик байрамини нишонлаш арафасида турибди.***

# БОШ ҚОМУСИМИЗ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ

Бугунги кунда халқимиз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар билан бормоқда. Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлининг нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Қайд этиш лозимки, Конституциямиз ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши бўлган мустақиллик, эркинлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини олий даражада юридик мустаҳкамлади. Асосий Қонунимизда белгиланганидек, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич равишда собитқадамлик билан бормоқда.

Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда инсон манфаатлари, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган. Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Бош Қомусимизда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари аниқ ифодаланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади.

Конституциямиз жамият ва шахс муносабатларини аниқ ҳуқуқий шаклларда белгилади ва шу орқали иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этишини, хусусий мулк ҳуқуқи, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлади. Фуқароларга турли хилдаги жамоат бирлашмаларини тузиш ва улар фаолиятида эркин иштирок этиш имкониятларини яратиб берди. Оилани жамиятнинг асосий бўғини эканлигини, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифа мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш ҳисобига — иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида — бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартириш муҳим устувор вазифадир.

Конституция мамлакатимиз демократик тараққиётининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нечоғлик ҳаётий ҳамда халқчил эканлигининг ёрқин исботидир.

**Дилдора ҚУРБОНОВА,**
**Учтепа туманидаги 7-нотариал идорасининг катта нотариуси**

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари томонидан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хослиги" мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.***

**Анжуманлар**

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда Ўзбекистон Републикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, пойтахтимиз маҳаллаларининг раислари ҳамда масъул котиблари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва жойлардаги ижросига эътибор қаратилди.

Албатта, фуқаро ўзини қийнаётган масала юзасидан биринчи бўлиб маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади. Муаммони атрофлича ўрганиш, қонун доирасида ҳал қилинишига ёрдам бериш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш аҳолининг маҳаллага бўлган ишончини оширади.

— Мазкур тадбирнинг аҳамияти катта, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Каттабоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исоқ Икромов. — Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг мурожаатларини ўрганиш ҳамда масаланинг ижобий ҳал бўлишида ҳуқуқий саводхонлик муҳим аҳамиятга эга. Барчамизга маълумки, фуқаролар ҳар қандай вазиятда маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишади. Маҳалламизда зиёли, ҳуқуқий тажрибага эга комиссия аъзолари томонидан барча мурожаатлар ўрганиб чиқилади. Сўнгра юридик жиҳатдан асосланган жавоблар қайтарилади. Бу каби семинар-тренингларда олинган билимлар амалиётда ўз самарасини беради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари томонидан ташкил этиб келинаётган ўқув-семинарлари давомида профессор-ўқитувчилар, малакали мутахассислар бизга ҳуқуқий ҳужжатлар, тизимга оид қонун ва қарорлар моҳиятини атрофлича тушунтириб ўтишмоқда. Бу эса амалий фаолиятимизда жуда асқотмоқда.

Тадбирда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлашда йўл қўйилган қонунбузарликлар учун жавобгарлик масалалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мурожаатларни кўриб чиқиш тизимини шакллантириш мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинар давомида фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари шаҳарларимиз, Хоразм Маъмун академияси, "Алпомиш" ва "Авесто" каби ноёб ёдгорликларимизнинг юбилейлари, кўплаб илмий-амалий тадбирлар ЮНЕСКО иштирокида ўтказилгани мамлакатимиз тарихи ва бой маънавий меросимизга халқаро эътироф ва эҳтиром ифодаси бўлди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилиб, халқаро муҳофазага олинган. Тошкент шаҳрида сақланаётган Усмон Қуръони ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида тўпланган нодир асарлар "Жаҳон хотираси" халқаро рўйхатига киритилган. Катта ашула, Шашмақом, Наврўз байрамимиз ва Аския инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йилда пойтахтимизда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессияси махсус анжумани ўтказилди. Унда "Аъзо-давлатларда тинчлик маданияти ғояларини тарғиб этиш" декларацияси қабул қилинди. Бу ҳужжат бутун дунёда Тошкент декларацияси деб юритиб келинмоқда.

1995 йили Самарқандда ташкил этилган Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти минтақамиз тарихи ва маданиятини ўрганиш, бу борадаги илмий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда институтга Ўзбекистон, Корея Республикаси, Хитой, Покистон, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркия каби давлатлар аъзо. Институтнинг илмий лойиҳаларида, шунингдек, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Ҳиндистон, Россия ва Мўғулистон олимлари ҳам иштирок этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур боқий шаҳарда ҳар икки йилда анъанавий ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг яна бир намунасидир. Жорий йил август ойида ушбу санъат ва маданият анжумани ўнинчи бор ўтказилди. Унинг очилиш маросимида қатнашган ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фалт азалдан цивилизация бешиги бўлган Ўзбекистон, турфа маданиятлар таъсирини ўзида мужассам этган Самарқанд, дунё санъаткорлари ва мусиқа ихлосмандларини бир жойга тўплаган "Шарқ тароналари" инсониятни умумий қадриятлар ва интилишлар атрофида бирлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

1994 йилда ташкил этилган ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, нодавлат ташкилотларнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириб келмоқда. Қўшма дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш, халқаро анжуманларни ўтказиш, фан, таълим ва маданият соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётир. Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда таълим, маданият, илм-фан, санъат, ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари каби соҳаларда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлиги жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

**А.САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Кўрик-танловлар

# МАҚОМ ИЖРОЧИЛАРИ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Ёш мақом ижрочилари" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***



Аъло Абдуллаев олган сурат

Ушбу танлов Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамда "Ёшлар клуби" ҳамкорлигида ўтказилиб, уни ташкил этишдан ўсиб келаётган авлодни миллий анъана ва қадриятларимиз, бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар орасида етишиб чиқаётган истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва фаолиятини кенг тарғиб этиш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Танлов иштирокчилари мақом ашула ижрочилиги (эркак хонандалар учун), мақом ашула ижрочилиги (аёл хонандалар учун,) мақом чолғу ижрочилиги (якка созандалар ўртасида) йўналишлари бўйича билим ва салоҳиятлари ҳамда маҳоратларини намоён этишди.

Кўрик қатнашчиларининг ёши иштирок этган номзодлар 18 дан 30 гача бўлиб, улар танбур, дутор, рубоб, уд, чанг, қонун, най, қўшнай, ғижжак, доира, ноғора каби ўзбек миллий чолғу асбобларидан фойдаланишди. Мутахассислар томонидан мумтоз санъатимиз ёш ижрочиларининг соҳага оид билими, ижро маҳорати, саҳна ва кийиниш маданияти ҳамда уларнинг тайёргарлиги муносиб баҳоланди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра мақом ашула ижрочилиги йўналиши бўйича эркаклар ўртасида Сайёд Жўраев, аёллар ўртасида Моҳичеҳра Шомуротова, якка созандалар ўртасида Фарангиз Маҳмудова каби ижрочилар биринчи ўринга муносиб деб топилди.

— Мен ушбу танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганимдан хурсандман, — дейди мазкур кўрик-танловнинг якка созандалар ўртасидаги ғолиби Фарангиз Маҳмудова. — Танлов давомида тенгдошларимнинг ўзига хос маҳоратларини кўриб, ўзимнинг соҳага оид билимларимни мустаҳкамлашим ва янада кўпроқ изланишим кераклигини англадим.

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган хонанда ва созандалар ташкилотчилар томонидан дипломлар билан тақдирланди ҳамда Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Зафар НАЗАРОВ**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib – 2015" IV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2015" танловининг республика босқичи ўтказилди.***

"Infolib – 2015"

# ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАР

Мустақиллик йилларида кутубхона иши соҳасида аҳолининг интеллектуал, маънавий ва маданий даражасини юксалтиришда кутубхоналар ролини кучайтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ушбу жараёнда ахборот-кутубхона мутахассисларининг профессионал маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган касб маҳорати беллашувлари, жумладан, "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" танлови бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Танловда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ахборот-кутубхона марказлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ахборот-ресурс марказлари мутахассислари иштирок этди.

Туман ва вилоят босқичларида иштирокчилар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, электрон шаклдаги ҳужжат ва материаллар билан ишлаш, тақдимотлар тайёрлаш каби мезонлар бўйича сараланди.

Танловнинг республика босқичида 14 жамоа ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси бўлиш учун ўзаро баҳслашди. Якуний натижаларга кўра, Фарғона вилояти кутубхона иши мутахассислари жамоаси ғолиб бўлди. Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга диплом, сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

**М.ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚАБРИСТОНЛАРИДА МАРОСИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРИФЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонунининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 52-сон, 508-модда) 15-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 14-сон, 138-модда) 8-банди, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари мажмуасининг билдиргиси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2015 йил 22 июндаги 184/01-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда маросим хизматлари учун хизматлар тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Тошкент шаҳар Архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси (А.Таджиев), Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ш.Мухамеджанов):

дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш жойнинг гидрогеологик тавсифлари, рельефи хусусиятлари, тупроғи таркиби, атроф табиий муҳитга тушадиган экологик юкнинг йўл қўйиладиган энг юқори чегараси ҳисобга олинган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктларини ва ҳудудларини барпо этиш қоидаларига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши таъминлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (Х.Расулев):

мазкур қарор билан белгиланган тарифлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда бир хилда қўлланилиши ҳамда кўринарли жойларига ўрнатилиши;

бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатишга фақат лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори мавжуд бўлгандагина рухсат берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 101-сон қарорига мувофиқ дафн этиш жойларини сақлаш низомини ишлаб чиқиб, тегишли тартибда тасдиқлаш таъминлансин.

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р. Усманов**

*2015 йил 27 октябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2015 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 1. 13.10.2015й № 9068-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "ДАМАС" д.р. 10 M622ВА. Бошланғич баҳоси – 26 522 000 сўм. 2. 13.10.2015 й. № 9069-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и.ч. "ДАМАС" д.р. 10 D 473 ВА. Бошланғич баҳоси – 20 178 000 сўм.

Зангиота туман СИБ томонидан №21803-04/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "ГАЗ 310200" д.р. 10 099 ХАА. Бошланғич баҳоси – 7 733 000 сўм.

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 6.05.2015 й. №5130-5131 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "HOWO" оғир юк ташувчи автомашина д.р. 10 D 994 ВА. Бошланғич баҳоси – 65 000 000 сўм.

Шунингдек, 2015 йил 7 декабрь соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Зангиота туман СИБ томонидан 23.06.2015 йилдаги №14342-43/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 йил ишлаб чиқарилган д/р 10 А 121 LA бўлган ГБА СПГ ДАМАС такроран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 18 665 100 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефон: (97) 325-07-13.

Гувоҳнома № 004593

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан № 2472-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Маткабулов қ.ф.й. Янгиҳаёт кўчасидаги жойлашган умумий майдони 628,07 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган 9-сонли уй-жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 240 237 333 сўм

Аукцион савдоси 2015 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9049 3605 0003, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258 Лицензия: RR-0052.

"SAFO TIBBIYOT" Хизматлар лицензияланган

**ТЕРАПИЯ.** Қуйидаги касалликларга ташхис қўйилади ва даволанади: бронх-ўпка тизими; юрак-қон томир тизими; ошқозон-ичак тизими; жигар, ўт пуфаги, таянч-ҳаракат аппарати.
**ОТОЛАРИНГОЛОГИЯ (ЛОР).** Тонзиллит, синусит, фарингитларни ташхислаш ва даволашнинг барча турлари. Эшитувни протезлаш. Аудиометрия.
**ОФТАЛЬМОЛОГИЯ.** Глаукома ва катарактани бошланғич босқичда ташхислаш. Юқори кўз босимини контактсиз тонометрда ўлчаш. Мураккаб астигматик кўзойнакларни танлаш.
**ЖАРРОҲЛИК (колопроктология).** Бавосил, ёриқлар ва тўғри ичакни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш.
**УРОЛОГИЯ.** Ташхислаш ва даволаш: эркаклар ва аёлларда TORCH-инфекциялар, эркаклар бепуштлиги, варикоцеле, циркулецизия.
**ГИНЕКОЛОГИЯ.** Ҳомиладорликни кузатиб бориш. Ташхислаш ва даволаш: эрозиялар, шиллиқ парда ўсимтаси (полип), шишлар, миома, лейкоплакия, TORCH-инфекциялар.
**ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК.** Юқори сифатда. Юз пластикасининг барча турлари (кўз қовоғи, бурун, лаблар); қулоқ супраси; қоринни торттириш; чандиқ ва теридаги тиртиқларни олиб ташлаш; плазмолифтинг; оёқлардаги томир юлдузчаларини олиб ташлаш.
**ИНСТРУМЕНТАЛ ТАШХИСЛАШ.** Гастроскопия; колонофиброскопия; Nihon Kohden (Япония) аппаратида ЭКГ қилиш; ФУКУДА (Япония) аппаратида томирларни текшириш; ЭЭГ; кольскоскопия.
**УЗИ-ТАШХИСЛАШ.** Барча турлари. Рақамли рентген-ташхислаш: таянч-ҳаракат аппарати, бош суяги, бронх-ўпка тизими, бачадон найчаси (гистеросальпингография), буйрак (урография), ошқозон-ичак тизими, йўғон ичак (ирригография), остеопорозни ташхислаш (денситометрия).
**ЛАБОРАТОРИЯ ТАШХИСИ.** Қон таҳлилининг барча турлари: клиник, биокимёвий, гормон; TORCH-инфекция. Шишга оид маркерлар.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ НЕВРОЛОГЛАР, ПЕДИАТРЛАР, ОРТОПЕД (БОЛАЛАР) ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Муолажа кабинети мавжуд. Касалларни қабул қилиш 9.00 дан 18.00 гача.
Шифокор қабулига олдиндан ёзилиш қуйидаги телефонлар орқали амалга оширилади.
Тел.: 200-50-56, 200-50-55, (+99895) 169-50-38, (+99895) 169-50-39, (+99898) 127-94-70, 128-94-10.
Рентгенга ёзилиш учун телефонлар: (+99871) 255-95-50 ва (+99898) 305-36-39.
Манзил: Кичик Миробод кўчаси, 21. WWW.SAFOUZ.COM

**"CAPITAL REALTOR GROUP"**
**МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 7 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 20 июнь кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Барданкўл ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган:

1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001 литердаги маъмурий. Бошланғич нархи 80 572 544 сўм.
2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002 литердаги қоровулхона. Бошланғич нархи 8 445 813 сўм.
3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 14 439 123 сўм.
4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0004 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 22 811 715 сўм.
5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошланғич нархи 25 309 639 сўм.
6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005 литердаги ёрдамчи бино. Бошланғич нархи 4 161 740 сўм.
7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 68 532 762 сўм.
8. Умумий майдони 169 кв.м. бўлган, 0007 литердаги ҳовуз. Бошланғич нархи 24 159 738 сўм.
9. Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган, 0008 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 98 800 923 сўм.
10. Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 233 369 347 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24.
*Лицензия: № RR-0017.*

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига*

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1 | Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи | Мирзо Улуғбек тумани, 1-ТТЗ мавзеси, 47-уй |
| 2 | Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи | Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 26-уй |
| 3 | Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи | Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, 75-уй |
| 4 | Тошкент автомобиль ва йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейи | Учтепа тумани, Чилонзор кўчаси, 31-мавзе |
| 5 | Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги "Interneshnl Xaus Tashkent" академик лицей | Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй |
| 6 | Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи | Сергели тумани, Сергели 3-мавзе, 49-уй |
| 7 | Тошкент молия институти қошидаги 2-сонли академик лицей | Олмазор тумани, Мойқўрғон мавзеси, Ҳуснкор кўчаси, 5-уй |
| 8 | Миробод саноат касб-ҳунар коллежи | Миробод тумани, Саракўл кўчаси, 1-уй |
| 9 | Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи | Шайхонтоҳур тумани, Тошкўча кўчаси, 10-уй |
| 10 | Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицейи | Яккасарой тумани, Боғи Бўстон кўчаси, 62-уй |

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган (педагогик, ўқув-тарбиявий) ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.
Тел: 252-23-35

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

***ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!***

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

*Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.*
*Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.*
*Бошқарма маъмурияти.*

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолатда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илиқ, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 ноябрь** ва **19 ноябрь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

